

**Жамоат ташкилотларининг маҳаллий давлат органлари
фаолиятига таъсир этиш механизимини ривожлантириш йўллари**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сонли Тошкент аладемик лицейи

Карамов Мамашариф Жамилович

Аннотация: *Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий қайта қуриш, бозор муносабатларининг шакллантирилиши ахборотнинг жамият ҳаётидаги ролининг ўсишига олиб келди. Ахборот маконини ривожлантириш даражаси иқтисодиёт, фуқароларнинг ишбилармонлиги ва ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ортиши жамият ҳаётининг бошқа соҳаларига бевосита таъсир кўрсата бошлайди. Маъмурий ислоҳотлар (2000 й.) давлат бошқаруви органларининг фаолият юритиш шартларини ўзгартириб юборди, оқибатда эса бошқарув жараёнларини ахборотлаштириш масалалари улар фаолиятининг устувор йўналишлари қаторига кирди.*

Калит сузлар: *Маҳаллий бошқарув органлари, Маҳаллий бошқарув тизими, ҳокимият органлари фаолияти.*

Маҳаллий бошқарув органлари ва фуқароларнинг ахборот борасидаги ўзаро ҳамкорлиги аҳолининг ҳудудлар сиёсий ва жамоат ҳаётида бевосита иштирокининг энг муҳим шarti ҳисобланади.

Шу муносабат билан қайд этилган муаммоларни ҳал қилишда БМТ Тараққиёт Дастурининг “Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролар иштироки ва ҳамкорлик” лойиҳаси доирасида ўтказилган фуқароларни ҳокимият органлари фаолияти ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишнинг турли жиҳатларини тадқиқ этиш, мазкур ҳуқуқнинг асослари ҳамда ундан фойдаланиш амалиёти ва жойларда ҳокимият органлари томонидан таъминланганлиги таҳлил қилинган. 2.1. Қонунчилик таҳлили. Аҳолининг ҳокимият органлари

фаолияти ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш соҳасидаги қонунчиликни ҳуқуқий тадқиқ этишдан асосий мақсад – маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти ҳақида ахборотдан фойдаланишга оид қонунчиликни амалдаги ҳолатини ҳамда мазкур қонунчиликни Ўзбекистоннинг Жиззах ва Наманган вилоятларида қўллаш амалиётини баҳолашдан иборат. Ҳозирги вақтга қадар жамоатчиликни ҳокимият органлари фаолияти ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқи амалга оширилишини норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг кўп масалалари бундай кенг қамровли тарзда ўрганилмаган ва таҳлил этилмаган ёки етарли даражада ўрганилмаган эди. Бугунги кунда жисмоний ва юридик шахсларни ҳокимият органлари фаолияти ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш муаммосига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси меъёрлари билан кафолатланган ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини ташкил этувчи кўп жиҳатлардан бири сифатидагина қаралар эди. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Қонуннинг 24.04.2003 й.даги 470-II-сон таҳририда)нинг 29-моддасига мувофиқ, “ҳар ким ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин”. Қайд этилган конституциявий меъёр ахборот эркинлиги, давлат органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг очиқлиги, шунингдек, улар қабул қиладиган қарорларнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш масалаларида тартибга солувчи бош ҳуқуқий восита ҳисобланади. Конституциянинг 30-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим”. Бундан ташқари, амалдаги қонунчилик ахборот соҳасини

тартибга солувчи ва ахборотдан фойдаланишни чекловчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат (НХХ)ларни ўз ичига олади. Мазкур НХХлар, жумладан, давлат бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқасини (айниқса, маҳаллий даражада) фаоллаштиришга чакиради. Бу уларнинг қисқача тавсифи билан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 439-П-сонли “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Мазкур НХХ “ахборот”, “ахборот эгаси”, “ахборот муҳофазаси”, “ахборот ресурслари” каби асосий тушунчаларни таърифлайди. Шунингдек, ҳужжатда махфий ахборотга нималар кириши аниқлаштирилади, ахборотни олиш тартиби ва унинг аризаچи сўровига кўра тақдим этилиши керак бўлган чегаравий (30 кундан ошмаган) муддати белгиланади. Қонуннинг 8-модда иккинчи қисми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30- моддасида мустаҳкамланган қоидага таянган ва кенгайтирган ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қонунчилик билан белгиланган тартибда ҳар кимга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиш имкониятини таъминлаши, қулай ахборот ресурсларини ташкил этиши, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари, уларнинг хавфсизлиги масалалари ҳамда ижтимоий қизиқиш уйғотадиган бошқа масалалар борасида фойдаланувчиларни ахборот билан оммавий таъминлашни амалга ошириши кераклиги қайд этилади. Қонуннинг 12-, 13-, 14-, 15-моддаларида (шахс, жамият, давлатнинг) ахборот хавфсизлигини таъминлашга эътибор қаратилган.

жланишнинг муҳим ресурсига айланиб бормоқда. Идоравий ахборот ресурслари ва улар фойдаланувчиларининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши ҳам уларнинг биргаликдаги ҳаракатини таъминлашга юқори даражали талаб қўймоқда. Шу сабабли, давлат бошқаруви маҳаллий органларининг ахборотлаштириш соҳасидаги сиёсати маҳаллий маъмуриятлар томонидан минтақалар аҳолиси манфаати йўлида олиб бориладиган ҳудудий ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисмига

айланиши ҳамда ҳудудий ахборот инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш, фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот билан таъминланганлиги конституциявий ҳуқуқ ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши шарт. Концепциянинг асосий мақсади қуйидагилардир: - маҳаллий ҳокимият органларининг ОАВлари ва жамоат бирлашмалари билан биргаликдаги ҳаракатининг самарали механизмларини яратиш ҳамда бу механизмларнинг мазкур органларга юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга хизмат қилишини таъминлаш; - аҳоли ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик даражасини ошириш. Қўйилган мақсадларни амалга оширишга ушбу вазифаларни ҳал этиш йўли билан эришиш мумкин: - фуқароларни маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти ҳақида ўз вақтида ва ҳолис хабардор этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви соҳасида давлат сиёсатини тушунтириш; - маҳаллий ҳокимият органлари ҳақида ахборот очиқлиги мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни янада такомиллаштириш; - минтақа даражасида акс алоқани ташкил этиш, аҳоли ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида ОАВлари ва жамоат бирлашмалари орқали ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорликни ошириш борасида чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш; - маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини ёритишда ОАВлари билан ижодий ҳамкорлик тартибини яратиш; - маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини марказий ва минтақавий теле-, радио-, босма ҳамда электрон ОАВларида ёритишда уларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш; - қонунчиликка мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти ҳақида ишончсиз маълумотни ўз ичига олган материалларга зудлик билан жавоб қайтариш; - ОАВлари, жисмоний ва юридик шахсларга маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти ҳақидаги очиқ ахборотдан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш; - очиқ ахборот ресурсларини шакллантириш; - маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви соҳасига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш ва улардан самарали

фойдаланиш; - ОАВлари ва жамоатчилик билан алоқаларни амалга оширувчи маҳаллий ҳокимият органлари ахборот хизматлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишда давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг имкониятларидан фойдаланиш. Белгиланган мақсадларга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шарти туман (шаҳар) ҳокимият органлари тузилмасида ахборот хизматларини ташкил этиш ҳисобланади.

Ташкилий тадбирлар. Маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти ҳақида аҳолини хабардор қилиш, уларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида минтақа аҳолиси кенг қатламининг иқтисодий ислохотлар жараёни, ижтимоий вазифалар ечилиши, қабул қилинаётган қарорлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганлиги ҳақида ҳолис ва етарли ахборотдан фойдаланишини таъминлаш керак. Бу туман ҳокимлик органлари тузилмасида ахборот хизматини ташкил қилишни талаб этади. Ахборот хизматлари фаолиятини ташкил этиш учун қуйидагилар зарур: - ахборот хизмати ҳақидаги Низомни тасдиқлаш (1-иловага қаранг); - алоҳида бино ажратиш, у ҳокимлик биносида бўлиши мақсадга мувофиқ, албатта, телефон, факс, кондиционер бўлиши керак (аппарат воситалари узлуксиз ишлаши учун маълум даражали ҳарорат режими зарур); - ходимларнинг иш жойларини мебеллар билан жиҳозлаш.

Кадрлар сиёсати. Ахборот хизмати фаолиятининг натижалари кўп жиҳатдан мазкур тузилма ходимларининг сифат таркибига ҳам боғлиқ: агар ходимларнинг профессионал даражаси юқори бўлмаса, улар фаолиятининг сифати ҳам тегишлича бўлади. Бундай ахборот хизмати бирон-бир ижобий натижадан кўра, кўпроқ зарар келтириши мумкин. Мутахассисларни қабул қилишни фақат суҳбатдан кейин амалга ошириш лозим. Штатларни бутлаш вақтида ахборот хизматига ёлланаётган ходимлар қуйидагиларга эга бўлиши кераклигини ҳисобга олиш шарт: - мутахассислиги бўйича маълумот – журналистика ёки жамоатчилик билан алоқалар; - компьютер техникаси билан ишлаш кўникмалари; - мутахассислик бўйича иш

тажрибаси (камида 2 йил бўлиши керак); - ОАВлар учун ўтказилган тадбирлар ҳақида ҳисоботни ўз ичига олган портфолио ёки камида ОАВларида ташкил этилган кампания мисолида ёхуд изланувчининг фаол иштирокида тайёрланган мақолалар нусхалари. Бўлғуси ахборот хизмати ходимлари ОАВлари қандай ишлашни яхши билишлари ва улар билан яқиндан биргаликда ҳаракат қила олиши керак. 15 Ўзининг асосий мажбуриятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш ҳамда муваффақиятли иш учун барча керакли кўникмаларга эга бўлган ходимларни топиш анча мушкул. Шу боисдан тегишли мутахассисларни четдан жалб қилиш ёки ахборот хизмати учун ўз ходимларини “етиштириш”га ҳаракат қилиш керак. Агарда ахборот хизмати ходимлари муайян маҳаллий ҳокимият органи ходимлари сонидан шакллантирилган бўлса, ахборот хизмати бўлғуси ходимларнинг профессионал билимдонлиги ва кўникмалари даражасини оширишни ташкил этиш керак, айниқса, ахборот технологиялари соҳасида. Малака ошириш, ахборот хизмати ходимлари тажриба алмашиши мақсадида, шунингдек, профессионал ижодий танлов, илмий-амалий конференция, тренинг ва семинарларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни кузда тутиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ахборот хизмати ходимлари малакасини оширишнинг тематик дастури лойиҳаси 5-иловада берилган. Бундан ташқари, ахборот хизмати ходимларига малакали кадрлар чиқиб кетишининг олдини олиш учун истисно этувчи рақобатдош меҳнат шароитини таъминлаш керак.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

2. 2-модда матни Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-90-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2007 й., 15-сон, 153-модда).

3. 81-модда Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-361-сонли Қонунига асосан киритилган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 52-сон, 686-модда)